



MURABBIY
ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“MURABBIY”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:1 2021 | №1, 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

"Murabbiy" ilmiy-ma'rifiy jurnali

**"Mentor" scientific-educational
journal**

**Научно-просветительский
журнал "Наставник"**

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	<i>Киргизбоеев Муқимжон</i>	Камбағаллик – XXI аср муаммоси	6-14
2	<i>Очилова Бахти Мурадовна</i>	Демократик қадриятлар ва ўзини- ўзи бошқариш	15-25
3	<i>Мухаммадиев Нурмуҳаммад Эргашевич</i>	Жамиятнинг янгиланишида фалсафа илмининг методологик аҳамиятини янада оширишнинг долзарб масалалари	26-30
4	<i>Ахмедшина Фания</i>	Проблема выравнивания положения женщин и мужчин (опыт Узбекистана и зарубежных стран)	31-35
5	<i>Анварова Маърифат Нарзуллоевна</i>	Использование инновационных технологий при обучении арабскому языку	36-42
6	<i>Tilavova Malika Mamaraimovna</i>	Inversion is a bridge to the wonders of the language world	43-50
7	<i>Худойназаров Сардор</i>	Консультатив психология бўйича мутахассислар тайёрлаш муаммолари	51-54
8	<i>Фофуров Жасур Исақович</i>	Уструшенанинг илк ўрта аср хунармандчилигига доир	55-58
9	<i>Ибрагимов Солижон Эргашевич</i>	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг аҳамияти	59-63
10	<i>Севостьянов Дмитрий Анатольевич</i>	Инверсивные отношения как диалектический когнитивный конструкт	64-67
11	<i>Muhammadsidiqov Muhammadolim Muhammadroziq o'g'li</i>	Integratsiya tushunchasi: mazmun va mohiyati	68-77
12	<i>Холикова Рахбархон</i>	Ижтимоий-гуманитар соҳа	78-81

	<i>Эргашевна, Махкамова Надира, Тўхтабоева Дилафруз Эргашевна</i>	вакилларининг тадқиқотларида урбанизация жараёнлари	
13	<i>Ежель Н.Е. , Стародубцева С.С. , Шишова А.А</i>	Проблема веры и современное мировоззрение человека	82-91
14	<i>Ibaydullaev Temur Gaynullaevich</i>	Harmony of uzbek national clothing culture and modernity	92-95
15	<i>Наумов Дмитрий Иванович</i>	Историческая политика в условиях глобализации	96-101
16	<i>Соегов Мурадгелди</i>	Туркмены-оламы самарканда на фоне истории своих прямых предков – древних аланови современные реалии	102-114
17	<i>Кобилов Рустам Ражаббайевич</i>	Ёшларда геоиқтисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш асосий омиллари	115-119
18	<i>Ганеева Галия Галияновна</i>	Желательное наклонение глагола в башкирском языке и история его изучения	120-125
19	<i>Инатов Мурот Ниятович,</i>	Хатларни миқдорий таҳлил этиш усуллари	126-131
20	<i>Холмирзаева Манзура Абдумурадовна</i>	Инновацион ривожланиш шароитида миллий манфаатларни мафкуравий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг фалсафий жиҳатлари	132-136
21	<i>Билалова Дина Нуримановна, Киреева Надежда Анатольевна</i>	Применение инновационных цифровых технологий в преподавании гуманитарных дисциплин в техническом вузе	137-142
22	<i>Собиров Элмурод Абдумуталович, Юсупова Сайёра</i>	Исҳоқхон Тўра Ибратнинг илмий-ижоди ва маънавий-маърифий мероси	143-147
23	<i>Кулуева Флора Гайнутдиновна</i>	Приоритетные задачи социально-гуманитарных наук в условиях глобализации	148-151

ЁШЛАРДА ГЕОИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

*Кобилов Рустам Ражаббайевич,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириши агентлиги
Самарқанд вилояти филиали раҳбари*

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистоннинг бугунги кундаги геоиқтисодий сиёсатининг асосий принциплари ва тамоиллари акс этган. Шунингдек, ёшларда ўртасида ўтказилган социологик сўровнома натижалари ва унинг асосида геоиқтисодий тафаккурни шакллантиришининг асосий омиллари келтирилган.

Аннотация. В статье приведены основные принципы и критерии геоэкономической политики Нового Узбекистана. Так же приведены результаты социального опроса среди молодёжи и приведены основные источники формирования геоэкономического мышление по результатам этих опросов.

Annotation. The article presents the basic principles and criteria of the economic policy of New Uzbekistan. The results of a social survey among young people are also given and the main sources of the formation of geoeconomic thinking based on the results of these surveys are given.

Таяня сўзлар: геоиқтисодиёт, геоиқтисодий сиёсат, ёшлар, социологик сўровнома

Ключевые слова: геоэкономика, геоэкономическая политика, молодежь, социологический опрос.

Keywords: geoeconomics, geoeconomicpolicy, youth, sociologicalsurvey.

XXI асрга келиб жаҳон халқларининг иқтисодий ҳаётида бир қатор глобал ўзгаришлар: бир томондан, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилиши натижасида ривожланган давлатларнинг тобора куч-қудратга тўлиб, ўзга халқларнинг табиий ва интелектуал бойликларини ўзлаштириш эвазига катта фойда кўришга ҳаракат қилаётганликлари; иккинчидан томондан, эндиғина ривожланиб келаётган давлатларнинг географик ўрни ва худудий жойлашуви, суверенитети, иқтисодий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ўзларининг

табиий бойликларини ўзлари ҳеч кимни шерик қиласдан фойдаланишга уринаётганликлари, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида чукур ислоҳотларни амалга ошириб демократик тараққиёт сари интилаётганликлари каби кўплаб воқеалар содир бўлмоқда.

Бугунги дунёнинг ривожланиш мантигини фалсафий жиҳатдан тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Барчамиз кўриб турибмиз, бугунги кунда халқаро майдондаги бекарор вазият глобал тараққиёт жараёнларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунёдаги асосий марказлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро стратегик ишонч йўқолиб, оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазиятлар вужудга келмоқда” [1, 193-] деган эди.

Уларнинг мана шу фикрлари мамлакатимизнинг геоиктисодий сиёсатини – жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий ўзгаришларнинг мантигини англаб олиш ва унда оғишмай ҳаракат қилишнинг назарий ва амалий йўли сифатида амалга оширишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Чунки, геоиктисодий сиёсат - жаҳонда мавжуд бўлган иқтисодий маконларини ўзлаштиришнинг энг оптималь йўлларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгюритаётган геоиктисодий сиёсат миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг ажralmas қисми ҳисобланади. Ўзбекистон давлати ташқи сиёсатининг асосий қоида ва нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясиннинг 17-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унда: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralib чиқиши мумкин” [2, 40-б] дейилган. Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган мазкур қоида ва нормалар ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ҳуқуқий ва методологик асосини ташкил этади.

Янги Ўзбекистоннинг геоиктисодий сиёсати бу - мустақил мамлакатимизнинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, табиий бойликлари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдаги салоҳиятига қараб ўзга


давлатлар билан интеграциялашиш асосида жахон хўжалиги даромадидан кўпроқ улуш олиш учун олиб борадиган ҳатти - ҳаракатларининг тактика ва стратегиясидир. Аниқроғи, ташқи иқтисодий фаолиятни жонлантирувчи иқтисодий сиёsat воситаларидан биридир.

Ўзбекистоннинг геоиқтисодий сиёsat принциплари деб жаҳондаги геоиқтисодий маконлардан даромад топиш ва фойда кўриш учун давлат ва бошқа нодавлат иқтисодий бирлашма, уюшма, фирма ва корхоналарнинг ўзга давлатлардаги шунга ўхшаш иқтисодий тизим тармоқлари билан бўладиган иқтисодий муносабатларида оғишмай амал қиласидан тартиб-қоидалар ва нормаларга айтилади.

Ўзбекистон геоиқтисодий сиёsatини амалга оширишда қўлланиладиган иқтисодий воситалардан бири бу эркин иқтисодий зоналар хисобланади.

Эркин иқтисодий зона бу – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида хуқуқий тартиботи бўлган маҳсус ажратилган худуддир[3. 408-б].


Самарқанд шаҳрида 18-30 ёшдаги фуқаролар ўртасида ўтказилган сўровномада берилган “Сиз, геоиқтисодий уруш (камал) ҳақида эшиштганмисиз?”, деган саволга “Ҳа” деб 42,5%, “Йўқ” деб 45,5%, “Тасаввурга эга эмасман” деб 12,0 % респондентлар жавоб беришди.



Демак, ёшларимиз ҳали геоиқтисодий уруш ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслар.

Геоиқтисодий уруш бу – бирон бир мамлакатнинг даромад топиш ва фойда кўриш мақсадида иккинчи бир мамлакатга юксак геоиқтисодий технологиялардан фойдаланган ҳолда геоиқтисодий маконда олдиндан режалаштирилиб қўйилган стратегик операциялар асосида ҳарбийча бўлмаган усуслар орқали зарар етказишидир.

Сўровномада берилган "Сиз, Ўзбекистонни геоиктисодий урушга тортувчи кучлар бор деб ўйлайсизми?", деган саволга "Геоиктисодий уруши нима эканлигини тушунмайман" деб 20,5%, "Бўлса керак, аниқ билмайман" деб 52,0%, "Бу ҳақда ўйлаб кўрмабман" деб 27,5 % респондентлар жавоб беришди




Демак, кўпчиллик ёшларимиз геоиктисодий уруш хавфи борлигини инкор қилмайдилар.

Геоиктисодий уруш хавфи мамлакатнинг геоиктисодий хавфсизлигини таъминлашни талаб этади.

Ўзбекистоннинг геоиктисодий хавфсизлиги бу – даромад топиш ва фойда кўриш мақсадида геоиктисодий маконларга чиққан ва чиқаётган алоҳида фуқаролар, хусусий тадбиркорлар, бизнес, давлат корхоналари, миллий иқтисодиёт ва давлатимизнинг мустаҳкам, барқарор, фаол иқтисодий фаолият олиб боришига қодирлигини таъминловчи шарт-шароит ва омиллар, воситалар тизимиdir.

Ўзбекистон олиб бораётган геоиктисодий сиёsatга нисбатан ёшлар орасида ўтказилган "Сиз нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистон давлати ташқи иқтисодий алоқаларни олиб боришида тўғри геоиктисодий сиёsat юргизмоқдами?" деган саволга респондентларнинг "Албатта, тўғри сиёsat олиб бормоқда" деб - 68%, "Ташқи иқтисодий алоқада барча имкониятларимиз етарлича ишга солинганича йўқ" деб - 13 %, "Ҳали камчилликларимиз мавжуд" деб- 19% жавоб беришган.



Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, мамлакатимиз ёшлари: биринчидан, давлатимиз юритаётган геоиктисодий сиёсат одилона тамойил ва воситалар орқали амалга оширилаётганлигига, иккинчидан эса, бу борада ҳали қилинадиган ишлар поёнига етказилмаганлигига, учинчидан, геоиктисодий сиёсат олиб бориш шунчаки оддий иш эмас, балки, халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш борасида хорижий шериклар, бизга дўстлик ёки душманлик кўзи билан қаровчи жаҳон аҳли олдида миллатимизнинг шаънини, қадр-қимматини сақлаш билан боғлиқ мураккаб масала эканлигини теран англайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.Туркий кенгаш доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз// Унинг ўзи.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ,ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. З-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”,2019. – Б.193.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2008.-Б.6.(40 б.)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни.1996 йил 25 апрель./Ўзбекистоннинг янги қонунлари.13.-Т.:Адолат, 1996.-Б.40-41. (408 б.)
4. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуни./Ўзбекистон Республикаси:қонунлар ва фармонлар.-Т.:Ўзбекистон,1992.-Б.7.(382 б.)
5. Назарова Г.Ғ., Хайдаров Н.Ҳ. Халқаро иқтисодий муносабатлар/академик С.С.Фуломов тахрири остида(ўкув кўлланма),ТДИУ,2005 й. Б.76. (272 б).